

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc02/30.12.2019.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**КАНАТБАЕВА ТУРГАНКУЛ САДУОВНА**

**ЗАРАФШОН ДАРЁСИ ҚУЙИ ОҚИМИ СУВ ҲАВЗАЛАРИДА УЗОҚ  
ШАРҚ ЎСИМЛИКХЎР БАЛИҚЛАРИДАН ЯЙЛОВ  
АКВАКУЛЬТУРАСИДА ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**03.00.15 – Ихтиология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Канатбаева Турганкул Садуовна**

Зарафшон дарёси қуйи оқими сув ҳавзаларида Узоқ Шарқ ўсимликхўр  
балиқларидан яйлов аквакультурасида фойдаланиш истиқболлари .....

3

**Канатбаева Турганкул Садуовна**

Перспективы использования дальневосточных растительноядных рыб в  
пастбищной аквакультуре в низовьях реки Зарафшан

19

**Канатбаева Турганкул Садуовна**

Prospects of use far eastern plant growing fish in the lower reaches of the  
Zarafshan river in the aquaculture.....

35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....

39

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc02/30.12.2019.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**КАНАТБАЕВА ТУРГАНКУЛ САДУОВНА**

**ЗАРАФШОН ДАРЁСИ ҚУЙИ ОҚИМИ СУВ ҲАВЗАЛАРИДА УЗОҚ  
ШАРҚ ЎСИМЛИКХЎР БАЛИҚЛАРИДАН ЯЙЛОВ  
АКВАКУЛЬТУРАСИДА ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**03.00.15 – Ихтиология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3. PhD/В 379 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.zoology.uz](http://www.zoology.uz)) ҳамда «Ziyouet» Ахборот–таълим порталида ([www.ziyouet.uz](http://www.ziyouet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Юлдашов Мансур Арзикулович</b> биология фанлар доктори
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Каримов Бахтиёр Қурамбоевич</b> Биология фанлари доктори, профессор  <b>Бўриев Сулаймон Бўриевич</b> Биология фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Самарқанд давлат университети</b>

Диссертация ҳимояси Зоология институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.В.52.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2020 йил «13» ноябр куни соат 16<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232б-уй. Зоология институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 289-04-65, факс (+99871) 289-10-60, E-mail: [zoology@academy.uz](mailto:zoology@academy.uz)).

Диссертация билан Зоология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (31-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232б-уй, Тел.: (+99871) 289-04-65.

Диссертация автореферати 2020 йил «30» октябр куни тарқатилди.  
(2020 йил «30» октябрдаги 2-рақамли реестр баённомаси)

**Д.А.Азимов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, б.ф.д., профессор, академик

**Г.С.Мирзаева**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

**Э.Б.Шакарбоев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
б.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда чучук сув танқислиги борган сайин муаммога айланиб бормоқда, бу эса мавжуд барча сув захираларидан, шу жумладан, ирригация тизими сув ҳавзаларидан самарали фойдаланишни тақозо этади. Айниқса, сувдан комплекс фойдаланиш шароитида балиқчилик тармоғини ривожлантириш масалалари дунё ҳамжамиятини ташвишга солмоқда. Масалан, балиқ маҳсулдорлигини оширишда ички сув ҳавзаларида ов ихтиофаунасини сунъий шакллантириш балиқ захиралари жуда ночор ҳамда қитъанинг анча ичкари қисмида жойлашган Орол денгизи каби сув ҳавзаларида жуда муҳимдир. Шундан келиб чиқиб, балиқ маҳсулдорлигини оширишда яйлов аквакультураси шароитида дўнгпешона балиқлардан фойдаланиш технологияларини янада такомиллаштириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда ўсимликхўр балиқ турлари тропик ва мўътадил иқлимнинг жанубий худудлари яйлов аквакультураси шароитида етиштирилаётган муҳим балиқ объектларидан бири сифатида тан олинган. Бу эса поликультура шароитида етиштирилаётган балиқлар сув ҳавзаси табиий озуқа базасидан самарали фойдаланиш ҳамда нисбатан қисқа вақт мобайнида озуқа учун кўшимча ҳаражатларсиз балиқ маҳсулдорлигини сезиларли даражада ошириш имконини бермоқда. Натижада, тропик мамлакатлар (Ҳиндистон, Хитой, Бангладеш, Вьетнам) кўпинча кичик (500-1000 га) ва ҳатто, вақтинчалик пайдо бўлган сув ҳавзаларида ҳам бир йил муддатда балиқларни етиштиришга эришмоқда. Кўл ва сув омборларга бой бўлган мўътадил иқлимли мамлакатларда (Россия, Белоруссия, Польша) да эса балиқларни боқиш бир неча йилга чўзилиши мумкин. Бироқ жуда кўп сув ҳавзаларида озуқа занжирининг дастлабки бўғинини банд этган бу балиқлар ўзларининг биологик хусусиятларига кўра табиий кўпая олмайди, қолаверса ушбу технология ўта зоналик хусусиятига эга. Бу ўринда, ҳар бир худуднинг табиий-иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда, сув ҳавзасида фойдаланилаётган технология шароитида дўнгпешона балиқлар ўсиши ва ривожланиши, морфологияси, ёш-ўлчов тузилмалари ва биологик хусусиятларига доир мустақил тадқиқотлар олиб бориш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Республикамизда аҳоли эҳтиёжи ва бозор талабларидан келиб чиқиб, балиқ етиштириш йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Бу борада, жумладан, Зарафшон дарёси қуйи оқимида жойлашган Тўдакўл сув омбори ўта муҳим ирригацион ва йирик балиқчилик ҳавзаси бўлиб, бу ерда яйлов аквакультураси учун хос бўлган йирик (2 кг ва ундан ортиқ) ҳажмли истиқболли турлардан оқ дўнгпешона (*Hypothalmichthys molitrix*) ва чипор дўнгпешона (*H. nobilis*) балиқлар етиштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар

стратегиясида<sup>1</sup> «қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчиллик билан ривожлантириш» ва «сувдан комплекс фойдаланиш» каби вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, Ўзбекистоннинг кескин континентал қурғоқчил иқлим шароитидаги сув ҳавзаларида дўнгпешона балиқлар биологиясини асослаб бериш, уларни етиштириш биотехнологиясини ривожлантириш, сув ҳавзасига доимий равишда ушбу балиқ турлари чавоқларини ўтказиб туришнинг юқори технологиясини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги ПҚ-2939-сон «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 апрелдаги ПҚ-3657-сон «Балиқчилик соҳасини жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 сентябрдаги 719-сон «Балиқчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори ва 2017 йил 18 октябрдаги 845-сон «Чорвачилик ва балиқчилик тармоғи озуқа базасини мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технология ривожланишининг V.«Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Узоқ шарқ ўсимликхўр балиқлари биологик хусусиятлари ва уларнинг балиқ етиштириш объекти сифатидаги маҳсулдорлик кўрсаткичлари ҳақидаги маълумотлар J.Britton (2007), S.Schrank (2002), C.Williamson (2005), сув ҳавзалари сувининг сифат кўрсаткичлари ҳолатини ўрганиш E.Zanibani-Fillho (2009), P.Sapkale (2011), уларда балиқчиликни ривожлантириш йўллари De Silva (2006), C.Brugere (2004), S.Nelson (2016), W.Wu (2000) тадқиқотларида келтирилган.

Ички сув ҳавзаларида балиқчиликнинг инновацион технологияларини ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар Ю.Астафьев (1995), А.Багров (2005), А.Макеева (1988), С.Пономарев (2008), Ю.Превезенцев (2004), Н.Слинкин (2009), М. Щербина (2006) лар томонидан МДХ мамлакатларида амалга оширилган.

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

Республика ихтиофаунасини янги турлар билан бойитиш, маҳаллий ихтиофауна вакиллари хусусиятларини ўрганиш, ички сув ҳавзаларидан балиқ овлаш, балиқ маҳсулдорлигини ошириш йўллари А.Аманов (1989), Ғ.Камилов (1973), Б.Ҳақбердиев (1994), М.Юлдашов (2018), Ж.Собиров (2019), балиқчилик тизимида қўлланиладиган замонавий усуллар Б.Каримов, Б.Камилов (2008) тадқиқотларида ўз аксини топган.

Х.Абдуназаров (2018), З.Мустафаева (2017), А.Кузметов (2019) лар томонидан турли сув ҳавзаларидаги табиий озуқа организмлари ҳолатини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борган.

Бироқ, юқоридаги тадқиқотлар бундан бир неча йил олдинги сув ҳавзалари ихтиофаунасининг шаклланиш босқичига тўғри келади, яъни улар янги яйлов аквакультураси шароитидаги популяциялар ҳолатини ўзида акс эттирмайди. Шунга кўра, балиқчилик сув ҳавзаси шароитидаги популяциялар ва унга ўтказилган балиқ тўдаларининг ҳолати ҳамда табиий озуқа базасининг шаклланиш хусусиятларини баҳолаш, яйлов аквакультураси технологиясини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети илмий тадқиқот ишлари режасининг 1.1–2016 “Хориждан келтирилган балиқлар ва асалариларнинг иқлимга мослашувчанлик, маҳсулдорлик ва наслдорлик сифати” (2016-2019) амалий лойиҳаси доирасида ва Навоий давлат педагогика институтининг “Ўзбекистон биохилма-хиллигининг экологик хусусиятлари ва биология фанларини ўқитишнинг самарадорлигини ошириш методлари” (2012-2015) илмий тадқиқот мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** сувдан комплекс фойдаланиш тамойиллари асосида яйлов аквакультураси шароитида дўнгпешона балиқлардан фойдаланишга баҳо бериш, балиқ чавоқларининг вазни, яшовчанлиги ва маҳсулдорлигини ошириш орқали балиқ етиштириш технологияларини янада такомиллаштиришга доир тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:**

яйлов аквакультураси шароитида дўнгпешона балиқлардан фойдаланиш истиқболларини асослаш;

ўрганилаётган балиқ объектларининг морфологик хусусиятларига баҳо бериш;

сув ҳавзасида фойдаланилаётган технология шароитидаги икки тур дўнгпешона балиқлар ўсишини қиёсий таҳлил этиш;

оқ ва чипор дўнгпешона балиқларнинг сув омбори шароитидаги жинсий вояга етиш хусусиятларини изоҳлаш;

саноат усулида овланган дўнгпешона балиқлар ёш-ўлчов тузилмасини таҳлил этиш;

дўнгпешона балиқлар чавоқларининг сув ҳавзасига ўтказилган микдори билан уларнинг саноат овидаги улуши ўртасидаги боғлиқлик кўрсаткичларини очиб бериш;

яйлов аквакультураси шароитида балиқ чавоқларининг вазни, яшовчанлиги ва маҳсулдорлигини оширишга доир илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тўдакўл сув омборида шаклланган яйлов аквакультураси шароитида етиштирилаётган *Hypothalmichthys molitrix* ва *Hypothalmichthys nobilis* дўнгпешона балиқ турлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** ўрганилаётган сув ҳавзаси шароитидаги оқ ва чипор дўнгпешона балиқ турларининг морфологик хусусиятлари, вояга етиш ҳамда серпуштлик кўрсаткичлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда ихтиологик, гидрохимёвий, гидробиологик тадқиқот усуллари ҳамда вариацион статистика услубларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор минтақамиз ва республикамиз қурғоқчил ҳудудидаги сув омборларига қўшимча вазифа сифатида икки: *Hypothalmichthys molitrix* ва *Hypothalmichthys nobilis* турларидан янги биотехнология, яъни, яйлов аквакультураси объекти сифатида фойдаланиш орқали балиқ маҳсулдорлигини гектарига 12-15 кг (ҳар бир турдан) оширишнинг самарадорлиги илмий-амалий жиҳатдан исботланган;

ҳар бир турнинг бир ёзлик чавоқларини ўстириш тиғизлиги гектарига 2 кг миқдорида ўтказилганда сув ҳавзасида мазкур балиқларнинг ўсиш суръати ва жинсий вояга етиш тезлиги юқори бўлиши ва серпуштлиги сайёрамизнинг мўътадил иқлим ҳудудидаги сув ҳавзалардаги балиқлар билан таққослаганда юқори бўлиши асосланган;

илк бор Зарафшон дарёси сув ҳавзаси шароитида *Hypothalmichthys molitrix* ва *Hypothalmichthys nobilis* балиқ турларининг морфологик хусусиятлари аниқланган;

балиқларни парваришлаш ва йирик ўлчамдагиларини (ўртача оғирлиги 3-4,5 кг) овлашни мўлжаллашнинг юқори самарадорликка эришиш йўллари очиб берилган;

балиқ маҳсулдорлигини оширишнинг илмий таҳлиллари асосида яйлов аквакультураси шароитида сув ҳавзасига ўтказиладиган бир ёзлик чавоқларнинг сифат кўрсаткичларига боғлиқлиги исботланган;

сув ҳавзасининг экологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, оқ ва чипор дўнгпешона балиқларни кўпайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Зарафшон дарёси қуйи оқими сув ҳавзаларининг яйлов аквакультураси шароитида Узоқ Шарқ балиқларидан саналган оқ ва чипор дўнгпешона балиқларни сув ҳавзасига ўтказиш тиғизлиги, турлар нисбати ҳамда чавоқлар ўлчами бўйича меъёрлар ишлаб чиқилган;

оқ ва чипор дўнгпешона балиқларни сунъий кўпайтириш (инкубация) жараёнига ота-она балиқларни сақлаш ва уларни инкубацияга тайёрлаш (стресс ҳолатининг олдини олиш) бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

оқ ва чипор дўнгпешона балиқлардан яйлов аквакультураси объекти сифатида фойдаланиш орқали сув омборининг балиқ маҳсулдорлигини ошириш мезонлари очиб берилган;

сув ҳавзасига ўтказиладиган балиқ чавоқлари сифат кўрсаткичлари, яъни уларнинг вазни ва ўстириш тиғизлигига алоҳида эътибор қаратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

балиқчилик хўжаликлари балиқ питомнигида балиқ чавоқларининг вазни, яшовчанлиги ва маҳсулдорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** дала шароитида 2014-2018 йиллар давомида мавсумий тарзда тадқиқот овлари ва саноат овидан олинган намуналардан комплекс ўрганиш натижасида кенг қўламли манбалар тўпланганлиги, уларнинг камерал шароитларда қайта ишланганлиги, индивидуал ва комплекс натижалардан вариацион статистика усулларини оптималлаштиришда қўлланилганлиги, натижаларнинг назарий маълумотларга мос келиши, олинган натижаларнинг етакчи нашрларда чоп этилганлиги ҳамда амалий натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илк бора Зарафшон дарёси қуйи оқими шароитида оқ ва чипор дўнгпешона балиқ турларининг ўсиш, жинсий вояга етиш, серпуштлик хусусиятларига баҳо берилганлиги, олинган маълумотлардан фаолият юритаётган яйлов аквакультураси балиқ маҳсулдорлигини ошириш учун шунингдек, Орол денгизи ҳавзаси бошқа сув ҳавзаларида ҳам қўллаш имконияти яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сув ҳавзасига балиқ чавоқларини ўтказиш бўйича тавсия қилинган тиғизлик меъёри ва бир ёзлик балиқ чавоқларининг ўлчамлари самарадорлигига баҳо берилганлиги ва бу икки тур балиқнинг саноат овидаги улуши юқорилиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Зарафшон дарёси қуйи оқими сув ҳавзаларида узоқ шарқ ўсимликхўр балиқларидан яйлов аквакультурасида фойдаланиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

дўнгпешона балиқларни сунъий кўпайтириш (инкубация) жараёнида ота-она балиқларни сақлаш ва уларни инкубацияга тайёрлаш ҳамда табиий озуқа базасининг мўллигини ҳисобга олиб, ҳар бир гектар сув ҳавзасига 80-100 дона балиқ ўтказиш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар “Golden Lake Fish” ва “Ғиждувон Шўркўл” МЧЖ лар амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 31 январдаги 02/026-322-сон маълумотномаси). Натижада, “Golden Lake Fish” балиқчилик питомнигида ота-она балиқларни стресс ҳолатининг олдини олиш ҳисобига балиқ личинкалари ва чавоқларини қўшимча 14-17% га орттириш, “Ғиждувон Шўркўл” МЧЖ хўжалиги томонидан сув ҳавзасидан (6000 га) 2018 йилнинг куз-қиш балиқ овлаш мавсумида аввалги йилдаги кўрсаткичга нисбатан оқ амур 30 тонна, оқ дўнгпешона – 90 тонна ва чипор дўнгпешона балиғидан 70 тонна қўшимча овлаш имконини берган;

балиқлар ўлчами ва ҳажмини ошириш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар “Қуйи мозор” МЧЖ амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 31 январдаги 02/026-322-сон маълумотномаси). Натижада, балиқлар ўлчами ҳовузда етиштирилган (1-1,5 кг) балиқларга нисбатан йирик бўлиб, оқ дўнгпешона балиқлар 2-2,5 кг, чипор дўнгпешона балиқлар 3-4 кг ва оқ амур балиқлари 4-4,5 кг ни ташкил этган ҳамда балиқлар вазнининг ортиши ҳисобига сув ҳавзасининг балиқ маҳсулдорлигини ошириш имконини берган;

балиқ питомнигида бир ёзлик чавоқларни парваришлаш бўйича таклиф этилган комплекс чора-тадбирлар “Навоийбалиқсаноат” МЧЖ тасарруфидаги балиқчилик хўжаликлари амалиётига жорий қилинган (Ўзбекбалиқсаноат уюшмасининг 2020 йил 25 январдаги 08/109-сон маълумотномаси). Натижада, дўнгпешона балиқларнинг ўртача оғирлиги ошиши ҳамда сув ҳавзасига ўтказилган балиқ чавоқларининг овланган балиқлар орасидаги улуши (промвозвратъ) 2-3 % дан 7-15 % гача ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 18 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 30 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан 8 та республика ва 1 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми** Диссертация кириш, беш боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 100 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Оқ ва чипор дўнгпешона балиқларнинг Ўзбекистонда балиқчилик объектлари сифатидаги аҳамияти”** деб номланган биринчи бобида диссертация тадқиқоти олдида қўйилган масалалар бўйича жаҳон тажрибаси таҳлили натижалари келтирилган. Оқ ва чипор дўнгпешона балиқлар тарқалиш ареали ҳамда интродукция қилинган турли қитъа ва мамлакатлардаги биологияси бўйича, ҳам ички сув ҳавзаларидаги балиқ овлашда ҳам аквакультурада балиқчилик тармоғидаги аҳамияти тўғрисида маълумотлар келтирилган. Бу объектларнинг яйлов аквакультураси деб

номланган инновацион технологиядаги ролига диққат қаратилган. Бу балиқлар айниқса тропик ва ўрта иқлим зоналарида озунка занжирида дастлабки бўғинларни эгаллагани учун балиқ маҳсулдорлигини оширишда муҳимлиги кўрсатиб берилган. Турли озикланиш хусусиятига эгаллиги ва сув ҳавзасининг табиий озунка базаларидан самарали фойдалангани туфайли балиқ маҳсулдорлигини оширишда истиқболли технологиялардан бири яйлов аквакультураси эканлиги кўрсатиб берилган. Мазкур технологияда парваришланаётган балиқлар тўдаси уларнинг чавоқларини мунтазам равишда сув ҳавзасига ўтказиб туриш орқали шаклланиши ва уларнинг табиий шароитда ўсиб катталаниши баён қилинган. Технологиянинг таркибий қисми сифатида катталашган балиқларни тутиб олиш яъни фаол саноат ови балиқ овлашдан бир мунча устунлиги таъкидланган.

Ўзбекистон шароитида 1985 йиллардан кейин балиқ ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Балиқ етиштириш ҳажмини янада оширишни сувдан комплекс фойдаланиш тамойилларига асосланган янги инновацион технологиялар орқали амалга ошириш мумкинлиги кўрсатиб берилган.

Майдони 22.000 гектар, максимал чуқурлиги 22 ва ўртача чуқурлиги 5 метр бўлган Тўдакўл сув омбори сувининг сифат кўрсаткичлари, гидробиологик ва ихтиологик хусусиятлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Сув омбори қурғоқчил зонада жойлашган бўлиб, иқлими кескин континентал, сувининг ўртача йиллик ҳарорати - 16,9°C, энг совуқ даври декабр – январ ойларига тўғри келиб – 5,1 – 5,4° атрофида бўлади ва май ойига келиб, 22,1 – 23°C гача кўтарилади, энг юқори ҳарорат июл-август ойларида бўлиб ўртача 27,7 – 28,9°C ташкил этади. Сув омбори суви амалда чучук сув бўлиб, унинг минераллашуви 980 – 1352 мг/л. Ёз даврида сувнинг тиниқлиги Секки диски бўйича 63 – 230 см, ни ташкил этиши аниқланди. рН миқдори 8,3-8,4. Суви сувда эриган кислородга яхши тўйинган бўлиб йил бўйи барча намуна олинган биостанцияларда деярлик бир хил бўлиб, ўртача – 8,1 – 10,2 мг/литрни ташкил қилди.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Ўсимликхўр балиқларни ўрганиш услублари ва материаллари”**га бағишланган бўлиб 2012-2019 йилларда Зарафшон дарёси қуйи оқими сув ҳавзаларидан Тўдакўл сув омборидан йиғилган манбалар кўлами ҳақида маълумот келтирилган. Тадқиқот овлари 2014, 2017-2018 йилларда ҳар мавсумда, катак ўлчамлари 28-110 мм бўлган кўйма тўрлардан фойдаланган ҳолда олиб борилди. Шунингдек, балиқчилик хўжалиги саноат овидан балиқларни сараламасдан олиб ўрганилди. Жами 458 та балиқ ўрганилди. Карпсимонлар оиласи вакиллари ўлчаш чизмаси бўйича морфометрик таҳлил услублари келтирилган. Балиқлар ёши ва ўсишини, танасининг ўрта қисми ён чизиқлари усти ва елка сузгич қанотининг биринчи шуъласи остидан олинган тангачаларига қараб аниқланди. Кўпаювчанлик хусусиятлари гонадаларининг етилганлик даражаси босқичлари бўйича таснифланди, олинган маълумотлар ёш гуруҳлари бўйича умумлаштирилди, жинсий вояга етиш тезлиги аниқланди. Баҳорда жинсий етилганлик даражасининг IV босқичида бўлган

гонадалардан олинган намуналардан умум қабул қилинган услублар ёрдамида серпуштлик кўрсаткичлари аниқланди.

Сув ҳавзасига 2011-2014 йилларда ўтказилган чавоқ миқдори ва 2014-2017 йиллари овланган балиқлар миқдори ҳақидаги маълумотлар балиқчилик хўжалигидан олиб фойдаланилди.


Саноқ маълумотларини вариацион статистика услубларидан шу жумладан, корреляцион ва регрессион таҳлилдан фойдаланган ҳолда қайта ишланди (барча ҳисоб - китобларда  $P = 0,05$ ).

**“Яйлов аквакультураси шароитида оқ дўнгпешона балиқнинг биологик таснифи”** деб номланган учинчи боб уч бўлимдан иборат бўлиб унда ўрганилган сув ҳавзасидаги оқ дўнгпешона балиғи тўдасини умумий биологик таҳлил қилиш бўйича олинган маълумотлар келтирилган.

Оқ дўнгпешона балиғи Тошкент вилояти балиқчилик хўжаликларида 1960 йилларнинг бошида кўчириб келинган ва шу жойдан республикамизнинг барча сув ҳавзаларига тарқалган. Ушбу балиқчилик хўжаликларидан саноат усулида овланаётган авлодлари 50 йилдан буён бошқа хўжаликларга тарқатилмоқда.

Тўдакўл сув омборида Зоология институти ихтиологлари тавсиясига биноан 2009-2010 йиллардан бошлаб балиқларни катак ўлчами 70 мм дан кам бўлмаган сурма тўрлардан фойдаланган ҳолда овлашга ўтилди. Шу билан бирга, неводларнинг катак ўлчамлари 70 ммдан кам бўлмайди. Бу ҳавзада қўйма тўрлардан деярлик фойдаланилмайди. Тажрибалар кўрсатишича ўсимликхўр балиқлар бу сув ҳавзасида асосан қишда самарали овланади, бу пайтда балиқлар сув ҳавзасининг чуқур жойларидаги ҳандақлардаги қишлар жойларида кўп миқдорда тўпланади ва кам ҳаракат бўлади. 2016 йил ноябрь ойининг охиридан 2017 йилнинг 8 мартигача саноат усулида овланган балиқларнинг тур таркибини таҳлил қилинди. Саноат овидан сараламасдан олган балиқлар ўлчанди ҳамда уларнинг товар сифатларига таъсир этмасдан тангачаларидан намуна олинди.

Саноат усулида овланган балиқлар ўлчами бир мунча йирик бўлиб улар танасининг ўртача оғирлиги 3450 граммни (1880-13880 г оралиғида) ташкил қилди. Овланган балиқлар сони, биомасса миқдори ва ёш тузилиши ҳақидаги маълумотлар 1 – расмда келтирилган. Овланган балиқлар ҳам сон жиҳатдан ҳам биомассаси бўйича асосан 4-5 ёшдаги балиқлардан ташкил топган. Шу билан бирга, сон жиҳатдан энг кўпи 4 –ёшдаги балиқлар, биомассаси бўйича эса 5-ёшдаги балиқлардан ташкил топганлиги аниқланди.



**1 – расм. Тўдакўл сув омборидан 2017 йилда овланган оқ дўнгпешона балиқларнинг ёш структураси: сони бўйича (чапда) ва биомассаси бўйича (ўнгда)**

Таъкидлаш лозимки, мазкур сув ҳавзасидаги балиқчилик хўжалиги томонидан қўлланиладиган саноат ови тартиби жуда самарали ҳисобланади. Балиқчилик хўжалиги сув омборига 2-3 йил олдин ўз балиқ питомнигида парваришланган 50-100 граммлик балиқ чавоқларини ўтказган эди. Сув ҳавзасида шундай тартиб яратилганки, сув ҳавзасигаа ўтказилган балиқ чавоқлари озуқа ва минерал ўғитларга қўшимча ҳаражатларсиз сув ҳавзасининг табиий озуқа базаси ҳисобига етиштирилади. Бу балиқлар тўдаси катак ўлчамлари йирик бўлган неводлар ёрдамида овланади шунинг учун овланган оқ дўнгпешона балиқлар ўлчам кўрсаткичи ҳовуз балиқчилиги товар балиқ меъёр кўрсаткичларидан (1-1,5 кг) бир мунча йирик бўлади. Шундай қилиб, бу корхона бозорга жуда сифатли маҳсулотни чиқаради, энг муҳими бу ички сув ҳавзаларидаги саноат овида умум қабул қилинган технологияларга қўшимча тарзда етиштирилади.

Балиқ питомниги ишини 2017 йилда таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, балиқчилар ҳовузларни ўғитлаш ва чавоқларни озиклантириш орқали бир ёзлик чавоқларнинг жуда яхши ўсишини таъминлай олишади.

Ноябрь ойида 100 донга бир ёзлик оқ дўнгпешона балиқ чавоқлари ўстирувчи ҳовузлардан сараланмасдан олиниб ўлчанди, ушбу ҳовуздаги балиқ чавоқлари кейинчалик сув омборига ўтказилади. Чавоқлар танаси умумий оғирлигининг меъерий кўрсаткичи 25 грамм. Балиқ питомниги балиқчилари анча катта бўлган бир ёзлик чавоқлар етиштиради. Балиқчи маълумотларига кўра сув омборига ўтказиш учун 240 минг бир ёзлик оқ дўнгпешона чавоқлари етиштирилган бу миқдордаги чавоқлар сув ҳавзасига уларни гектарига 12 – 15 донга тиғизликда ўтказиш имконини беради.

Ўрганилган оқ дўнгпешона балиқларнинг қайта ҳисоблаш маълумотларига кўра аниқланган ўсиш суръати жуда юқори бўлади (1-жадвал).

**1-жадвал.**

Кўрсаткичлар	Йиллар бўйича дум сузгич қанотисиз узунлиги, см					
	$SL_1$	$SL_2$	$SL_3$	$SL_4$	$SL_5$	$SL_6$
Танасининг узунлиги, см	21,3	42,6	60,1	76,1	86,0	93,8
Ўсиши, см/йил	21,3	21,3	17,5	16,0	9,9	7,8

**Тўдакўл сув омбори оқ дўнгпешона балиқларининг қайта ҳисоблаш  
маълумотларига кўра аниқланган ўсиш суръати,  
2016-2018 йил (n=145 дона)**

Кўриниб турибдики оқ дўнгпешона кўп йиллар давомида фаолият юритиб келаётган Тўдакўл сув омбори яйлов аквакультураси шароитида жуда тез ўсади.

2012 йилгача балиқ питомниги бир ёзлик балиқ чавоқларини ўстириш тиғизлиги ҳовуз балиқчилиги меъёрларига яқин бўлган (2-3 минг дона/га), балиқ чавоқларининг оғирлиги эса 30 граммни ташкил қилган, бу балиқ чавоқларининг овланган балиқлар миқдори орасидаги улуши (промовзврат) 3% ташкил қилган. 2013 йилдан балиқчилар ўстириш ҳовузидаги балиқлар ўстириш тиғизлигини пасайтирган ҳолда озиклантириш, минерал ўғитлар бериш кўрсаткичларини ўз ҳолича қолдирган натижада, бир ёзлик чавоқларни 200 гр гача ўстириш имкони пайдо бўлган.

Жинсий вояга етиш кўрсаткичларини йиллар бўйича таҳлил қилиш натижалари уларнинг сув ҳавзасида бир текисда жинсий вояга етишини ва жинсий вояга етиш ёши 3 ёш ва танасининг узунлиги 39 см эканлигини кўрсатди. (2-жадвал).

**2– жадвал.**

Ёши, Йил	Танасининг стандарт узунлиги, см	Танасининг умумий оғирлиги, г	Гонадаларининг етилганлик босқичи	N, дона
1	14 - 22	26 – 180	I	25
2	33 - 39	460 – 901	II	25
3	39 - 55	1050 – 2500	IV	12


**Тўдакўл сув омбори оқ дўнгпешона балиғи турли ёшдаги урғочи  
балиқлар гонадасининг март ойидаги ҳолати**

Урчиш даврида гонада соматик индекси биринчи марта жинсий вояга етган урғочи балиқларда 1,36 – 2,1 %, қайта жинсий вояга етган 4-7 ёшдаги балиқларда - 11,9 – 35 % ни ташкил этди.

Балиқлар индивидуал мутлақ серпуштлиги 203 – 2960 минг дона увилдирик, шу билан бирга 3 -ёшлик она балиқларда уларнинг сони 310 – 950 минг дона увилдирикни, 4- ёшдагиларида 590 – 1400 минг дона увилдирикни, ундан катта ёшдаги балиқларда эса 1005 – 2960 минг дона увилдирикни ташкил қилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки балиқлар ёши ўтган сайин уларнинг серпуштлиги оша бошлайди, ёши нисбатан катта балиқларда гонадасининг оғирлиги юқори ва шунга мос равишда юқори мутлақ серпуштликка эга бўлади. Таҳлил натижалари оқ дўнгпешона балиқлар мутлақ серпуштлиги ва она балиқлар ўлчами ўртасида ижобий корреляция мавжудлигини кўрсатди:  $r_{\text{ИМС-SL}} = 0,72$ ;  $r_{\text{ИМС-W}} = 0,75$  (2 – расм)

**Мутлақ  
серпуштлиги,  
минг/икра**



**2 –расм. Тўдакўл сув омбори оқ дўнгпешона балиқлари тўдаси ўрғочи балиқлари индивидуал мутлақ серпуштлигининг танаси стандарт узунлиги билан боғлиқлиги, (2017-2018 йиллар).**

Балиқлар индивидуал нисбий серпуштлиги 78,2 – 320,2 икра/г тана оғирлиги. Шу жумладан, 3-ёшлиларда унинг сони 78,2 – 190 икра/г, 4-ёшлиларда 90,2 – 216 икра/г, ундан катталарида – 160 – 320 икра/г ташкил қилди. Тўдакўл сув омбори оқ дўнгпешона балиқлар ота-она тўдасидаги йирик балиқлар нисбатан юқори нисбий серпуштликка эга яъни, уларнинг сони ёшидан қатъий назар ўзгариб туради. ( $r_{\text{ИМС-SL}} = 0,63$ ;  $r_{\text{ИМС-W}} = 0,68$ ) (3 – расм).

Диссертациянинг тўртинчи боби “**Яйлов аквакультураси шароитида чипор дўнгпешонанинг биологик таснифи**” деб аталади ва унда балиқлар ўсиши (яъни ёши ошган сайин) танасининг узунлик ва оғирлик кўрсаткичи ўзгариши кўрсатилган ва бу боғлиқлик қуйидаги регрессия тенгламаси билан тавсифланади:  $W = 0,027 * SL^{2,905}$  ( $r_{\text{W-SL}} = 0,97$ )

Тўдакўл сув омборидаги чипор дўнгпешона балиғи ён чизиғидаги тангачалар сони 96 – 106 та, елка сузгич қанотида 2 та қаттиқ ва 7-8 та юмшоқ шохланган шуълалари бўлади. Аналь сузгич қанотидаги қаттиқ

шуълалар сони 2 та, юмшоқ шохланган шуълалар сони 11-13 тани ташкил этади.

Кўриниб турибдики, овланган балиқларнинг асосий қисми 3-5-ёшдаги балиқлардан иборат бўлиб уларнинг ўлчами анча йирик бўлиб, 2225 – 8400 (ўртача 5830) г ни ташкил қилди

Чипор дўнгпешона балиқ тангачаси морфологик хусусиятларига кўра оқ дўнгпешона сингари майда тангачалик балиқ саналади. Тангачаларининг нисбий ўлчами 0,79 – 1, 15 оралиғида ўзгариб туради.

### 3– жадвал.


Кўрсаткичлар	Танасининг стандарт узунлиги, см			
	$SL_1$	$SL_2$	$SL_3$	$SL_4$
Танасининг узунлиги, см	21,7	48,2	72,9	79,8
Ўсиши, см/йил	21,7	23,9	21,9	4,3

### Тўдакўл сув омбори оқ дўнгпешона балиғининг қайта ҳисоблаш маълумотлари бўйича ўсиш суръати (2014йил) (n= 126 дона.)

Мутлақ серпуштлиги ўрганилган урғочи чипор дўнг пешона балиқлар 3-5 ёшда бўлиб, улар танасининг узунлиги - 72 - 98 см, танасининг умумий оғирлиги эса - 5700-9700 гр ни ташкил қилди.

Индивидуал мутлақ серпуштлиги 880-3800 (ўртача 2574) минг донани ташкил қилди. Нисбатан йирик балиқларнинг мутлақ серпуштлик кўрсаткичи юқори эканлиги қуйидаги регрессия тенгламаси ёрдамида тавсифланади. (3 – расм)

$$\text{ИМС (минг дона)} = 91,1 * SL - 5584 \quad (r_{\text{ИМС-SL}} = 0,72).$$



3 –расм. Тўдакўл сув омбори чипор дўнгпешона балиқлари индивидуал серпуштлик кўрсаткичининг балиқлар тана узунлигига боғлиқлиги, (2017 йил).

Ўрганилган сув омборидаги урғочи чипор дўнгпешона балиқлар индивидуал нисбий серпуштлиги бир грамм тана оғирлигига 107 – 290 (ўртача 198,8) дона икра тўғри келди. (ИНС – икралар сонининг тана оғирлигига нисбати бўйича аниқланади). Балиқлар ўлчами ва индивидуал нисбий серпуштлик кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқлик кучли эмас ва ижобий боғлиқлик даражаси ишончли эмас ( $r_{\text{инс-SL}}=0,37$ ).

**“*Hypothalmichthys molitrix* ва *Hypothalmichthys nobilis* балиқларидан яйлов аквакультураси технологиясида фойдаланиш истиқболлари”** деб номланган V- бобда икки тур объект жуғрофий шу жумладан, морфологик хусусиятлари ўзгарувчанлигининг, балиқлар ўсишининг жуғрофий ва популяция ичидаги турли-туманлиги, балиқлар репродуктив биологияси, шунингдек, балиқлар биологияси ва турли ҳудудларнинг географик хусусиятларига боғлиқ ҳолда яйлов аквакультурасини ривожлантиришга дунё бўйича ёндошувлар назарий жиҳатдан қиёсий таҳлил қилинган, технологияни тизимлаштириш бўйича мисоллар келтирилган, барча кўрсатиб ўтилганлар асосида ўзига хос хусусиятга эга бўлган. Ўзбекистон шароитида ушбу технологиянинг истиқболлари ишлаб чиқилган ҳамда икки тур дўнгпешона балиқлардан бизнинг шароитда яйлов аквакультураси усули ёрдамида балиқ етиштириш ҳажмини сезиларли тарзда оширишда фойдаланиш йўналишлари кўрсатиб берилган. Сув ҳавзасига балиқ ўтказиш меъёрлари, балиқ чавоқларининг сифати, сув ҳавзасига ўтказилган балиқларнинг вақт ўтиб овланган балиқлар орасидаги улуши бўйича тадқиқотлар шарҳи келтирилган.

## ХУЛОСАЛАР

**“Зарафшон дарёси қуйи оқими сув ҳавзаларида Узок Шарқ ўсимликхўр балиқларидан яйлов аквакультурасида фойдаланиш истиқболлари”** мавзусидаги диссертация ишини бажариш доирасида олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Зарафшон дарёси қуйи оқими ҳавзасидаги балиқлар аллометрик хусусиятлари қуйидаги регрессия тенгламаси билан тавсифлаб берилди: оқ дўнгпешона балиғида  $W = 0,027 * SL^{2,905}$  ( $r_{w-SL}=0,97$ ), чипор дўнгпешона балиғида  $W = 0,027 * SL^{2,905}$  ( $r_{w-SL}=0,97$ ). Ўрганилган оқ дўнгпешона балиқлар тўдасида – D II-7, A III 11-13 (ўртача 12), ён чизиғида 92-115 (101,1) тангача мавжуд, чипор дўнгпешона балиқларда эса – D II-7-8, A II-11-13, ён чизиғида 96 – 106 (101,0) каби тангачага эга. Тур учун хос бўлган пластик белгилари бўлса-да, бир қатор белгилари билан Хитой ва Жанубий-Шарқий Осиёдаги балиқлардан фарқ қилади.

2. Ҳар икки тур майда тангачали балиқлар ҳисобланади (оқ дўнгпешона балиқлар тангачаси нисбий ўлчам кўрсаткичлари 0,92 – 1,4, чипор дўнгпешонада 0,79 – 1,15), анъанавий тарзда танасининг ўртасидан олинадиган тангачалар балиқ ёшини ишонч билан аниқлашга ёрдам беради.

3. Саноат овида қўлланилаётган технология сифатли балиқ маҳсулотини овлаш имконини беради ва 3-5 ёшда улар ўлчами оқ дўнгпешонада 1880 –

13380 (3450 ) гр ни, чипор дўнгпешонада 2225 – 8400 (5830) гр ни ташкил қилади. Сув омборида ушбу балиқларни етиштириш камида 2 йил давом этади.

4. Сув ҳавзасига мунтазам равишда балиқ чавоқларини ўтказиб туриш стратегияси ва катак ўлчамлари йирик (70 см ва ундан катта) судрама тўр (невод) билан овлаш қулай шароит имконини берди ва унда ҳар икки тур вакиллари жуда тез ўсади: оқ дўнгпешона ўсиши ўртача  $SL_1 - 21,3$ ;  $SL_2 - 42,6$ ;  $SL_3 - 60,1$ ;  $SL_4 - 76,1$ ;  $SL_5 - 86,0$  см, чипор дўнгпешонада -  $SL_1 - 21,7$ ,  $SL_2 - 48,2$ ,  $SL_3 - 72,9$ ,  $SL_4 - 79,8$  смни ташкил қилади. Қайд этилган кўрсаткичлар ҳар икки тур учун мўътадил иқлим шароитида юқори ҳисобланади ва турларнинг ҳозирги вақтда тарқалган ареалининг кўпгина ҳудудларига нисбатан устунлик қилади.

5. Сув ҳавзасидаги ўрганилган балиқлар тўдасида урғочи балиқларнинг жинсий вояга етишида бир хиллик кузатилди ва 3-ёшда тансининг стандарт узунлиги 31 см ва танасининг оғирлиги 2600 г бўлганда жинсий вояга етиши ҳамда ушбу кўрсаткич мўътадил иқлим зонаси учун энг юқори кўрсаткич эканлиги билан изоҳланади.

6. Урчиш вақтигача биринчи марта жинсий вояга етаётган балиқларда гонадо соматик индекс 1,36 – 2,1 %, қайта жинсий вояга етаётганларида эса - 11,9 – 35 %; га етиши ва бу кўрсаткичнинг ҳар икки турда деярли бир хил эканлиги маълум бўлди.

7. Сув ҳавзасида 3-7 ёшдаги жинсий вояга етган урғочи оқ дўнгпешона балиқларнинг стандарт узунлиги 55 – 91,1 см ва уларнинг индивидуал мутлақ серпуштлиги 203-2960 минг донани, индивидуал нисбий серпуштлиги 86-240 дона /1 г тана оғирлигида. Мутлақ серпуштлик билан балиқлар стандарт узунлиги орасида ижобий боғлиқлик мавжудлиги аниқланди ( $r_{\text{имс-SL}} = 0,72$ ;  $r_{\text{имс-W}} = 0,75$ ) ва нисбий серпуштлигида  $r_{\text{имс-SL}} = 0,63$   $r_{\text{имс-W}} = 0,68$  эканлиги қайд этилди.

8. Сув ҳавзасида 3-7 ёшдаги жинсий вояга етган урғочи чипор дўнгпешона балиқларнинг стандарт узунлиги 85 – 94,1 см ва уларнинг индивидуал мутлақ серпуштлиги 880-3800 (ўртача 2574) минг донани, индивидуал нисбий серпуштлиги 86 – 240 дона/ 1 г тана оғирлигига нисбатан йирик балиқлар мутлақ серпуштлиги юқори ( $r_{\text{иап-SL}} = 0,72$ ;  $r_{\text{иап-W}} = 0,71$ ) нисбий серпуштлиги эса:  $r_{\text{имс-SL}} = 0,37$ ;  $r_{\text{имс-W}} = 0,71$ ) ни ташкил қилади.

9. Сув ҳавзасига ўтказилган балиқ чавоқлари йиллар ўтгандан кейин овланган балиқлар ўртасида ижобий боғлиқлик борлиги аниқланган. Чавоқлар оғирлиги 25-30 гр бўлганда уларнинг овдаги улуши (провозврат) 3-7% ни, чавоқлар оғирлиги 100 гр бўлганда ушу кўрсаткич 10-14% ни ташкил этди.

10. Тўдакўл сув омборида қўлланилаётган яйлов аквакультураси оқ дўнгпешона балиқлар ҳажмини йилига ўртача 300 тоннага ва чипор дўнгпешона балиқлар ҳажмини 246 тоннага кўпайтириш имконини берди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА  
DSc.02/30.12.2019.B.52.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ ИНСТИТУТЕ ЗООЛОГИИ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**КАНАТБАЕВА ТУРГАНКУЛ САДУОВНА**

**ПЕРСПЕКТИВЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ДАЛЬНЕВОСТОЧНЫХ  
РАСТИТЕЛЬНОЯДНЫХ РЫБ В ПАСТБИЩНОЙ АКВАКУЛЬТУРЕ  
В НИЗОВЬЯХ РЕКИ ЗАРАФШАН**

**03.00.15 – Ихтиология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2020**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей Аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2019.3.PhD/В379**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета по адресу ([www.zoology.uz](http://www.zoology.uz)) и в информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Юлдашов Мансур Арзикулович**  
доктор биологических наук

**Официальные оппоненты:**

**Каримов Бахтиёр Курамбоевич**  
доктор биологических наук, профессор

**Буриев Сулаймон Буриевич**  
доктор биологических наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Самаркандский государственный  
Университет**

Защита диссертации состоится «13» ноября 2020 года в 16<sup>00</sup> часов на заседании разового научного совета на основе научного совета DSc.02/30.12.2019.B.52.01 при Институте зоологии (Адрес: 100053, город Ташкент, ул. Богишамол, дом 232<sup>б</sup>, Зал заседаний Института зоологии. Тел: (+99871) 289-04-65, факс (+99871) 289-10-60, E-mail: [zoology@academy.uz](mailto:zoology@academy.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института зоологии института (зарегистрирована за №31. (Адрес: 100053, город Ташкент, ул. Богишамол, дом 232<sup>б</sup>, Тел: (+99871) 289-04-65).

Автореферат диссертации разослан «30» октября 2020 года.  
(реестр протокола рассылки № 2 от «30» октября 2020 года)

**Д.А.Азимов**

Председатель Научного совета по  
присуждению ученых степеней д.б.н.,  
профессор, академик

**Г.С.Мирзаева**

Ученый секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней, к.б.н.,  
старший научный сотрудник

**Э.Б.Шакарбоев**

Председатель Научного семинара  
при Научном совете по присуждению ученых степеней,  
д.б.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире дефицит пресной воды становится острой проблемой, и это требует рационального использования всех имеющихся водных ресурсов, в том числе и водоёмов ирригационной системы. Мировое сообщество особенно волнуют вопросы развития рыбохозяйственной отрасли в условиях комплексного водопользования. Например, особенно важно искусственное формирование промысловой ихтиофауны во внутренних водоемах для повышения рыбопродуктивности в имеющих бедные рыбные ресурсы глубоко континентальных бассейнах таких, как Аральское море. Исходя из этого, важное научно-практическое значение обретает дальнейшее совершенствование технологий использования двух видов толстолобиков для повышения рыбопродуктивности в условиях пастбищной аквакультуры.

В мире растительноядные рыбы признаны одними из важнейших объектов культивирования в условиях пастбищной аквакультуры тропического и южных зон умеренного климатов. В этом случае культивируемые в условиях поликультуры объекты наиболее эффективно используют естественную кормовую базу водоёмов и за относительно короткий срок без дополнительных затрат на кормление дают существенную рыбопродуктивность. В результате в тропических странах (Индия, Китай, Бангладеш, Вьетнам) часто используют малые (до 500-1000 га) водоёмы, даже временные, и всего за один год выращивают товарную рыбу.

В странах умеренного климата, богатых озерами и водохранилищами (Россия, Беларусь, Польша и др.) период нагула увеличивают на несколько лет. Но во многих водоёмах эти занимающие первичное звено в пищевой цепочке рыбы не могут размножаться естественным способом по своим биологическим особенностям, к тому же данная технология имеет ярко выраженную зональность. Важное значение в данном случае имеет проведение самостоятельных исследований роста и развития, морфологии, размерно-возрастных структур и биологических особенностей толстолобиков с учётом природно-климатических условий каждого региона в условиях применяемой в водоёме технологии.

Республике, исходя из потребностей населения и спроса на рынке, рыбопроизводство год от года увеличивается. В этом отношении расположенное в низовьях реки Зарафшан Тудакульское водохранилище является важнейшим ирригационным и рыбохозяйственным водоемом и здесь особое внимание уделяется выращиванию типичных для пастбищной аквакультуры крупных (до 2 кг и более) перспективных рыбных объектов - белого толстолобика (*Hypophthalmichthys molitrix*) и пестрого толстолобика (*H. nobilis*). В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах по пяти приоритетным направлениям определены задачи «последовательного развития сельскохозяйственного

производства» и «комплексного водопользования». Исходя из этих задач, в частности, считаются актуальными исследования, направленные на обоснование биологии толстолобиков, развитие биотехнологий их культивирования, разработку высоких технологий по регулярному зарыблению водоёма молодью данных видов рыб в расположенных в условиях резко-континентальном аридном климате Узбекистана водоёмах.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит решению задач, указанных в Постановлениях Президента страны № 2939 от 1 мая 2017 года «О мерах по совершенствованию системы управления рыбной отраслью», № 3657 от 06.04.2018 г «О дополнительных мерах по интенсивному развитию рыбной отрасли», Постановлениях Кабинета Министров Республики Узбекистан № 719 от 13.09.2017 г «О мерах по комплексному развитию рыбной отрасли» и 845 от 18.10.2017 г «О мерах по укреплению кормовой базы отраслей животноводства и рыбководства», а также в других нормативно-правовых актах по данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и техники в республике.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология охрана окружающей среды».

**Степень изученности проблемы.** Сведения о биологических особенностях и показателях продуктивности дальневосточных растительноядных рыб как объектов рыбководства приведены в исследованиях J. Britton (2007), S. Schrank (2002), C. Williamson (2005), изучение состояния качественных показателей вод водоемов в исследованиях E. Zanibani - Filho (2009), P. Sapkale (2011), способы развития в них рыбководства в исследованиях De Silva (2006), C. Brugere (2004), S. Nelson (2016), W. Wu (2000).

В странах СНГ научные исследования по развитию инновационных технологий рыбководства во внутренних водоемах проведены Ю.Астафьевым (1995), А.Багровым (2005), А.Макеевой (1988), С.Пономаревым (2008), Ю.Превезенцевым (2004), Н.Слинкиным (2009), М. Щербиной (2006).

Исследования по обогащению ихтиофауны республики новыми видами, по изучению особенностей представителей местной ихтиофауны, рыболовства во внутренних водоемах, пути повышения рыбопродуктивности отражены в работах А. Аманова (1989), Г. Камилова (1973), Б. Хақбердиева (1994), М. Юлдашова (2018), Ж. Собирова (2019), применение современных методов в рыбководческих системах отражены в исследованиях Б. Каримова, Б. Камилова (2008). Х. Абдуназарова (2018), З. Мустафаевой (2017), А. Кузметова (2019), которые провели исследования состояния естественных кормовых организмов в разных водоемах.

